

Шартнома № 15

Кизилтепа туман

2022 йил "19" 04

Бюджет - Уртачы УТБ (кейинги
үринларда "Буюртмачи") номидан Жибек асосида харакат килувчи
А. Файзраев, бир томондан, EXPORT TENTER SERVİS ишларда
"Ижрочи" номидан Устав асосида иш кўрувчи директор А. Файзраев, иккинчи
томондан, Зарегистрированная юридическая компания асосида тозишлаган
куриш ва топшириш бўйича шартномани (кейинги үринларда шартнома)
куйидагилар ҳақида туздилар.

1. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун
масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи
чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига
ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-
ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар,
конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар,
беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги ва айрим масъулиятли
конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги ҳамда, монтаж қилинган
асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни
бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган
бошқа хужжатлар;

курилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни
бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Ижрочига берилган ер
участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб кўйилади ёки бош режага
мувофиқ бошқа талаблар билан белгилаб кўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - "Ижрочи" томонидан курилиш майдонида
ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги
вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар
бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар
ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

танлов баёни - Ички ишлар бошкармаси танлов комиссияси томонидан 2022
йил "08 04" куни ўtkazilgan va расмийлаштирилган 1 -сонли йиғилиш
баённомаси;

2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Мазкур шартномага мувофиқ, Файзраев асосида
Хуҷаотборига шартларида қуриш ва топшириш, Буюртмачи Ижрочига
курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва
келишилган тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. Шартнома доирасида Буюртмачи Ижрочига қуйидаги хуқуқларни беради:
кўп квартирали уйларни қуришда лойиха-смета хужжатлари асосида
белгиланган қурилиш меъёрларга асосан қурилиш ишларини бажариш

2.3. Ижрочи бажарилган қурилиш ишлари бўйича зарур далолатномаларни ўз
мутахассислари томонидан текширади ва қабул қиласи. Бунда, буюртмачига

бажарилган ишлар экспертизадан ўтказилган лойиха-смета хужжатлари асосида хажм (майдон) ва сифат бўйича топширилади.

3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи томонидан бажарилган, танлов баёнига мувофиқ тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда кўйидаги белгиланади:

№	Незамот наим	Зулғув берниш	Суммаи (иис)	Чашмий сурʼеъ
1	Зарфметон суб- шифр чиес	Учимон	32033928	245516779

3.2. Тарафлар белгилайдики:

Зарфметон субшифр ўчилик формаха сметон
түшебеотлорни асосида эсафчи тозниш -
дату

3.3. Буюртмачига тегишли қисми бўйича ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, кўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Курилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Ижрочи ўртасидаги шартномага кўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

4. ИЖРОЧИНинг МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга - иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган муддатда топшириш;

- иловага мувофиқ курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш, куриклаш;

курилиш майдони худудида вақтингчалик иншоотлар қуриш ҳамда курилиш майдонидаги бино ва иншоотларни ўз хисобидан бошқа жойга куриб бериш;

Буюртмачини Ижрочи томонидан курилиш ишлари давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзууси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт

воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтингчалик бинолардан бўшатиш;

курилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Ижрочи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

4.3. Биноларни курилиш ишлари битказилиб топширилгандан сўнг бир йил кафолат муддати Ижрочи зиммасига юклатилади.

4.4. Ижрочи норматив ҳуқуқий ҳужжатларга асосан объектда лойиха олди ҳужжатлар (топосиёмъка, гиология хизматлари, экология харажатлари, маҳсус автохўжалик хизмати, лойиха смета ҳужжатларини тайёrlаш харажати, Давлат экспертиза хulosаси, ҳудудий қурилиш назорат инсексияси хизмати, муаллифлик назорати) билан боғлиқ хизматларини бажариш ҳамда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.5. Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура - қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Ижрочи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш учун малакали ҳамда ваколатли мутахассис жалб этиш ва Ижроchedan тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

5. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага __ - иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Ижрочига бериш;

Ижрочининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Биринчи бадал пулинни ходимларга хонадонлар ажратилгандан кейин тўлов қобилятидан келиб чиқиб банк орқали ёки нақт пул кўринишида Ижрочига молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Ижрочига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

6. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВ (эркин алмаштириладиган валюта)га конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

6.2. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиши вақти қурилишга рухсатнома олинган кундан бошлаб **12ойни** ташкил этади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

7. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

7.1. Шартнома доирасида куйидаги тартибда ҳисоб китоб амалга оширилади.

а) Буюртмачи яашаш шароитларини яхшилашга муҳтоҷ бўлган ички ишлар ҳодимлари рўйҳатини шакллантиради ва тасдиқлайди (кейинги матнда – ҳодимлар рўйҳати);

б) ҳодимлар рўйҳатига киритилган ҳодимларга лойиҳага мувофиқ қурилаётган квартиralар майдонига ва хоналар сонига мувофиқ бириктиради (тақсимлайди);

в) Лойиҳага мувофиқ қурилаётган кўп квартирали уйларни қолган қисмини молиялаштириш Ижрочи ўз маблағлари, шу жумладан жалб қилинган қарз ҳамда кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

г) ИИБ уй-жой комиссияси томонидан тузиладиган рўйҳатга киритилган ҳодимларга бириктирилган хонадоннинг бошланғич **25** фоиз бадал пули тўловини ҳодимлар томонидан Ижрочи ҳисобига тўланишини мумкин;

7.2. Ижрочи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объект мулк ҳуқуқини ўзида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар обьектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Ижрочининг зиммасида бўлади.

7.3. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Ижрочи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Ижрочи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

8. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Ижрочи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Ижрочи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник аудитор Ижрочи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. Ижрочи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг 6-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Ижрочи обьектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Ижрочининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тұғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч күн муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни жойлаштириш учун Ижрочи геодезия нұқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.8. Ижрочи геодезия нұқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тұғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тұғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Ижрочи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.9. Ижрочи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлади, ишларни бажариш даврида ва улар тугалланғандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.10. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтингча улашни ва улаш нұқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Ижрочи амалга оширади.

8.11. Қурилиш майдонида амалга ошириладиган барча ишларнинг лойиҳасмета хужжатлари ишлаб чиқиш ва экспертиза хulosасини олиш билан боғлик харажатлар Ижрочи томонидан молиялаштириш амалга оширилади.

8.12. Ижрочи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.13. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Ижрочи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қиласди.

8.14. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрги Буюртмачи ва Ижрочи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг "Давархитектқурилишназорат" инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.15. Ижрочи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтариға киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Ижрочи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Ижрочи Буюртмачининг манбаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.17. Агар Буюртмачи Ижрочи ва (ёки) унинг субпуратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганини аниқласа, у ҳолда Ижрочи ўз кучлари билан қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

Агар Ижрочи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Ижрочи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

8.18. Ижрочи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини белгиланган жойга чиқариб ташлайди.

8.19. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Ижрочи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Ижрочининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Ижрочининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтирида ўз фикрини баён қиласи.

Ижрочи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни З кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. Ижрочи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган обьект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулкларни зарур даражада қўрикланишини таъминлайди.

9.2. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар обьект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

10. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Ижрочи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласи.

10.3. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

11. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда

тутылган барча мажбурияттар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши түгелланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

11.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги түғрисида Ижрочининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

11.3. Ижрочи қурилиши түгелланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг 5-бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусҳада ижро хужжатларини(давлат хайати қабул далолатномаси, объектни фойдаланишга топшириш түгрисида хоким карори) беради. Ижрочи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

12. КАФОЛАТЛАР

12.1. Ижрочи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёrlари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

12.2. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши түгелланган объектни қабул қилиб олиш түғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади, нуқсонлар Ижрочи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Ижрочи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Ижрочи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва түгелланмаган ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичига бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг 7-бўлимида назарда тутылган кафолат суммасини Ижрочидан ушлаб қолиш хуқуқига эга.

12.4. Ижрочи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилиш ишларини назорат қилишда ваколатли органлар томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

13. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Ижрочи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Ижрочининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Ижрочи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Ижрочи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб қилиш хукуқига эга.

13.2. Ижрочи:

ишларнинг бажарилиши Ижрочига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб қилиш хукуқига эга.

13.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Ижрочининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Ижрочига тўлайди.

13.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

14. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда айбдор тараф:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.


14.2. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди.

14.3. Ижрочи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси обьект бўйича шартноманинг жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.


Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Ижрочи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

БУЮРТМАЧИ:

Фондабот - Узбексий изб
Кишилган таша жарулочи
Узбекистон ишлар министрлуги
бондук хизмат мебоб борчийлени
Х/П 10002021860122167042402170001
мара: 00014
нин: 304664804
Тел: 79-555-22-82



A. Ростоев




ИЖРОЧИ:

EXPORT TENTER SERVIS муво
жигитланма таъсирни
Гомибон мифтих
Х/Р 202020000090490872001
бондук: Жигитланма таъсирни
фотофурман бондук
мара: 00213
ИКР: 305784864
Тен: 91 337 00 46.



Турсаб Ас

Омарев М. 



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI
QUYI ZARAFSHON IRRIGATSIYA TIZIMLARI HAVZA BOSHQARMASI
TOSHRABOT-O'RTACHO'L IRRIGATSIYA TIZIMI BOSHQARMASI

Navoiy viloyati Qiziltepa tuman O'zbekiston shoh ko'chasi 38-uy: xr:100021860122167042402170001
INN 204664804 El.pochta: tu.itb@minwater.uz. Faks 79-555-34-69

2022yil 11 Aprel

Qiziltepa shaxar

Toshrabot-O'rtacho'l irrigatsiya tizimi boshqarmasi boshlig'i A.Fattoyev hamda OOO EXPORT TENTER SERVIS raxbari A.To'rayev o'rtasida boshqarma hisobida bo'lgan Zarmetan suvchilar uyini smeta loyixa xujjatlari asosida joriy ta'mirlash to'g'risida 2022 yil 11 apreldagi 15-sonli shartnomaga asosan 245516779 so'mlik kelishuv yuzasidan O'zbekiston Respublikasi xo'jalik yurituvchi sub'ektlari faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risidagi qonunning 20-21 moddalariga asosan o'tkazilgan huquqiy taxlilga ko'ra quyidagilar aniqlandi.

Shartnoma bir xil yuridik kuchga ega bo'lib 2 nusxada o'zbek tilida tuzilgan. Shartnoma taraflarning majburiyatları, qo'shimcha shartlar va uning huquqiy kuchga kirish vaqtı 5 kalendar kun hamda amal qilish muddati 31.12.2022 yil deb aniq qilib belgilangan.

Shartnoma shartlari bajarilmagan yoki lozim darajada bajarilmagan taqdirda taraflarning javobgarligi masalasi O'zbekiston Respublikasi qonunlari doirasida ko'rsatilgan.

Shartnoma muddati 11.04.2022 yildan 31.12.2022 yilgacha qilib belgilangan. Shartnoma 245516779 (Ikki yuz qirq besh million besh yuz o'n olti ming yetti yuz etmish to'qqiz) so'm miqdorida tuzilib, hisob-kitob qilish tartibi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2011 yil 24 avgustdaggi № 241 sonli qarori talablariga to'g'ri keladi.

Tuzilgan shartnoma yuzasidan vujudga kelshi mumkin bo'lgan nizoni yechish tartibi tomonlarning kelishuviga asoslanishi, muzokaralar orqali hal etilmagan taqdirda viloyat xo'jalik sudi tomonidan kelib chiqilishi ta'kidlanadi.

Tomonlarning yuridik shaxs sifatida davlat ro'yxatidan o'tganligi, manzili, tartib raqamlari to'g'ri hamda qonuniy ekanligi tekshirildi.

Shartnoma shartlari O'zbekiston Respublikasi amaldagi qonunlari va huquq normalariga, shuningdek fuqarolik kodeksining 631-665 moddalari va xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy – huquqiy bazasi to'g'risidagi qonunning 10-15 moddalari talablariga mos keladi.

Toshrabot-O'rtacho'l ITB huquqshunosisi
SHARTNOMA
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TEGISHLI QONUNLARI HAMDA
NORMATIV HUQUQIY HUJJATLARI
TALABLARI ASOSIDA
TUZILGAN
20 yil

M.Otayeva